Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 35 (21. 154) 1992 йил 18 февраль, сешанба ● Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон–АҚШ: ФОЙДАЛИ, АМАЛИЙ МУЛОҚОТ



АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан икки кун бўлиб, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрини ҳам бориб зиёрат қилди.

Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ж. Бейкерга ҳамроҳ бўлди.

● Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги фойдали, амалий мулоқот иккала давлат ўртасида янги саҳифалар очади.

И. А. КАРИМОВ:

— Ўзбекистон демократик ўзгаришлар йўлига собитқадамлик билан ўтганлигини таъкидлайман.

Дунёдаги 90 дан кўпроқ давлат мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг субъекти сифатида тан олди.

Ж. БЕЙКЕР:

— АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги масалага тўхталаман, у жуда муҳим. Бу масала яна муҳокама қилинади. Вашингтонга қайтиб борганимдан кейин Ўзбекистон раҳбарияти билан учрашувимизга асосланиб, тегишли тавсиялар бермоқчиман.

СУРАТЛАРДА: АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Самарқандда.

Суратларни махсус муҳбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

Ж. БЕЙКЕР ЎЗБЕКИСТОНДА

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда икки кун меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер 16 февраль куни кечқурун Москвага жўнаб кетишидан аввал Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан биргаликда Тошкент аэропортида журналистлар билан учрашди.

— Менинг ташрифим сермаҳсул бўлди, деб ҳисоблайман, — деди Ж. Бейкер журналистларга. — Президент билан, жамоатчилик намояндалари билан фойдали ва самарали учрашувлар бўлиб ўтди. Самарқандга қилган сафаримиз жуда мароқли ўтди, кўпгина тарихий жойларни кўздан кечирдик. Тошкентда бўлгани каби Самарқандда ҳам кўпгина кишилар бизнинг Ўзбекистонга қилган ташрифимизга астойдил қизиқиш билдирдилар, бу ташрифни мутлақо ҳақли равишда тинчлик, эркинлик ва холис ният сафари деб, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш воситаси деб атадилар. Бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги, Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашига шубҳа қилмайман.

Бу ерда мен ҳукумат вакиллари билан, сиёсий арбоблар ва бошқа кишилар билан сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга алоқадор масалалар юзасидан бемалол гурунглашиб, суҳбатлаша олдим, деди у. Ўзбекистон ҳақидаги ахборотни ўзгалар орқали эмас, балки айни шу ернинг ўзидан олиш биз учун жуда муҳим эди. Биз Вашингтонда собиқ Совет Иттифоқи ўрнида вужудга келган янги мустақил давлатлар билан муносабатларимизга асос қилиб олиниши лозим бўлган қоидаларни рўй-рост айтган эдик. Учрашувимиз чоғида Ўзбекистон Президенти аслида айни шу қоидаларни тасдиқлади, унинг халқаро ҳамжамият, инсон ҳуқуқлари, чегараларга риоя этиш хусусидаги мажбуриятлар ҳақида берган баёнотини, шунингдек демократияни ривожлантириш ва эркин бозорга ўтиш хусусидаги ниятларини эшитиб хурсанд бўлдим.

Давлат котиби республика билан танишганидан кейин АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари қандай бўлиши ҳақидаги саволга жавобан у Ўзбекистонни тан олиш ва давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал этиш Қўшма Штатлар Президентининг ихтиёрида, деб айтди. Давлат котиби 19 ёки 20 февралда юртига қайтиб борганидан кейин Президент билан учрашиб, Ўрта Осиё республикаларига қилган сафари ҳақида маълумот беражагини айтди.

Бизнинг жуда омадимиз келди, деб таъкидлади Ж. Бейкер. Бизнинг ихтиёримизда республика билан танишиш учун қўшимча вақт бор эди. Энди мен Ўрта Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг жуда муҳим аҳамиятини яхшироқ тушунаман.

Ж. Бейкерга собиқ СССРнинг армияси хусусида ҳозир вужудга келган вазиятга АҚШда қандай назар билан қараларгани, деган савол берилди. Америкаининг муносабати шундан иборатки, деди давлат котиби, оддий қурол-яроғларга таллуқли масалаларни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ўзи ҳал қилиши керак. Айни вақтда ядро қуроллари ҳақидаги қарорларга ва қуролярогларга юзасидан илгари эришилган барча халқаро битимларга янги ҳамдўстликнинг ҳамма мамлакатлари сўзсиз риоя қилишларидан умидворамиз. Ядро қуролларига келганда Америкаининг муносабати ҳаммага маълум: биз жамики ядро аслаҳаноаси устидан ягона қўмондонлик бўлишини мақсадга мувофиқ бирдан бир йўл деб ҳисоблаймиз. МДҲда худди шундай бўлишига жуда умид қиламиз. Ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар эса ҳаммалари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишлари, оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқарилмаслиги, дунёда уни яратиш технологияси ва воситалари тарқатилмаслиги учун бошқа мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилишлари мақбулдир. Шу тариқа ядровий хавфсизлик ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари томонидан таъминланган бўлур эди.

Журналистлар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга бир қанча саволлар беришди. Жумладан, АҚШ давлат котибининг республикага сафари якунларига қандай баҳо берасиз, деб сўралди. Икки кун давомида бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатларга Президент юксак баҳо бериб, иккала томон ҳамма жойда тинчлик ва осойишталикка эришишдан ўзаро манфаатдор эканликларини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, амалий ишда ҳақиқий ҳамкорликка интилишларини изҳор этганликларини таъкидлаб ўтди.

И. А. Каримов АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида алоқа ўрнатилгач республика ва унинг халқи турмушида янги солнома бошланишини таъкидлади. Америка Қўшма Штатларининг раҳбарларидан бири бўлган ҳурматли меҳмонга ўзининг икки кунлик сафари давомида серқуёш ўлкамиз билан тўлароқ танишиш имконияти берилди. Тошкентдан ташқари Ж. Бейкер Самарқандга бориб келди. Республика раҳбарлари, шунингдек «Бирлик» халқ ҳаракатининг ва «Эрк» демократик партиясининг раҳбарлари билан учрашди, улар ўртасида ошкора суҳбатлар бўлди.

Менинг хулосам шундан иборатки, деб таъкидлади Президент, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди, буюк Америка давлати билан алоқа ўрнатиш учун кенг йўлни очиб қўйдик.

Аммо биз бу масалага зўр жиддийлик билан ёндашмоғимиз керак. Зиммамизга олган мажбуриятларни, жумладан, ошкоралик, ҳар бир кишининг эркинлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида, ядро қуроли тўғрисида ва Қуролли Кучлар хусусидаги мажбуриятларни қатъият билан бажаришимиз зарур. Ўзбекистон БМТнинг аъзоси бўлиб қолиши учун ўзининг ҳолис ниятини намойиш этибгина қолмай, уни турмушга фаол татбиқ этиши ҳам лозим.

«Останкино» телекомпанияси ахборот телевизион агентлигининг мухбири Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳаларини устивор соҳалар деб ҳисоблайсиз, деган саволни Ж. Бейкерга берди.

— Аввало, иқтисодиёт соҳасидаги масалалар устивордир, — деб жавоб қайтарди давлат котиби. — Бунинг ўзидаёқ уч ёки тўртта қўшма лойиҳа муҳокама қилинмоқда, Американинг хусусий фирмалари билан Ўзбекистон ўртасида қўшма корхоналар барпо этиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Журналистлар Ж. Бейкернинг ўз Президенти — Буш жаноблари билан ўзаро муносабатлари қандайлиги билан қизиқиб, сизлар ҳамиша ҳам тўла ҳамжиҳатликда ишлайсизларми, деб сўрадилар.

— Мен унинг сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилганман, — деди давлат котиби. — Шунга қарамай, биз кўпинча бир-биримизнинг фикримизга қўшилмай қолар эдик. Эҳтимол, баъзан бир-биримизга нисбатан ишлатадиган ибораларимизда дипломатияга унчалик риоя қилмасмиз. Аммо бу биргаликдаги ишимизда амалий ўзаро муносабатларга халақит бермайди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА махсус мухбири.

* ПРЕЗИДЕНТ НОМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

БАРАКА—АҲИЛЛИКДА

ТОЗА ФИКРНИ БУЗМАСИН

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга!

Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида 1992 йил 16 январь куни нарх-навонинг ошиши муносабати билан бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеани қаттиқ қоралаймиз. Бу тартибсизликларга бегуноҳ ёшларни жалб қилиб, ўзларининг ёвуз ниятларига эришмоқчи бўлган қора кучлар ташкилотчилари аниқлансин ва улар қонун олдида жавоб берсин! Зеро, бизнинг билим олиш учун борган фарзандларимизни тинч қўйсин, тоза фикрини бузмасин.

Чироқчи район табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Н. Худойқулов, «Коммуна» хўжалиги бошлиғи Н. Маматқулов.

Район ижроқўмн Кенгаши раиси ўринбосари Т. Абдурахмонов, қаҳрамон оналар — Р. Юсупова, И. Пардаева, С. Омонова.

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ЗАРУР

Ўзбек халқи, республикамиз фуқаролари ҳаётида муҳим давр бошланганлиги, ўзининг кўҳна ва буюк тарихига эга жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келаётганидан беҳад хурсандмиз. Сизнинг умумхалқ овоз бериш йўли билан Президентликка сайланганлигингиз ҳам дилларимизни хушнуд қилди. Чунки, Ўзбекистонда кейинги икки йил ичида қўлга киритилаётган муайян ютуқлар сизнинг номингиз билан боғлиқ эканлигини республикамиз аҳолиси қатори бизнинг Чортоқ райони аҳолиси ҳам ҳар тарафлама ҳис этиб турибди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, аҳолини, хусусан, унинг ночор табақаларини мураккаб иқтисодий вазиятдан ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар ҳақиқий мустақиллик ва демократия сари қадам-ба-қадам яқинлашиш, Ўзбекистон давлатининг халқаро миқёсда олиб бораётган ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бироқ Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги сари ана шундай хайрли ишлар амалга оширилаётган бир даврда Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида шу йил 16 январь куни бўлган тартибсизликлар Чортоқ райони аҳолисининг ҳам қалбларини ларзага солди. Чунки бу воқеани биз жумҳуриятимиз мустақиллиги йўлига ташланган «ғов» деб баҳолаймиз.

Биэлар — Тошкент шаҳрида билим олаётган чортоқлик талабаларнинг ота-оналари юқорида юз берган воқеани қаттиқ қоралаймиз. Биэлар фарзандларимиздан ёшлик эҳтиросларига берилиб, турли қутқуларга учмасликни талаб қиламиз! Ҳаммаларнинг сабр-тоқатли бўлишга чақириш бўйича изчил иш олиб борамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз Талабалар шаҳарчасидаги фожеа сабабларини аниқлаш, жиноятчилар қаттиқ жазога тортилишларини зарур деб ҳисоблаймиз. Биз сиздан жумҳуриятда тартиб-интизомни яхшилаш бўйича қонунларни янада мустаҳкамлаш, чайқовчилик, безорилик, талон-торож инсон қадр-қимматини поймол қилишларга қарши қаттиқроқ чора белгилаш йўлида сабот ва қатъият билан иш кўришингизни кутамиз. Токи, юз бериши мумкин бўлган янги фожеаларнинг дами кесилсин, бошимизга янги қайғулар булути соя солмасин!

Жонажон Ўзбекистонимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб киришига эришиш йўлидаги ҳаракатингизга баркамоллик, жумҳуриятимиз равнақи йўлидаги ишларингизга муваффақият, онлангизга хотиржамлик ва бахт тилаймиз.

Ушбу мурожаатнома Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган чортоқлик талабаларнинг ота-оналари йиғилишида қабул қилинган. Йиғилишда қатнашган 500 киши номидан: Ю. Жўрабоев, А. Мирзахолов, Э. Бувaев, Б. Сотилганов, М. Мамадалиев, А. Иброҳимов, С. Муллабоев.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР КУЧАЯДИ

Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Кенгаши Талабалар шаҳарчасида юз берган воқеалар муносабати билан ўтказилган Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида айтган гапларингиздаги барча фикрлар, баҳолар ва хулосаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Мурожаатномасидаги йўл-йўриқларни тўла ва бутунисича қўллаб-қувватлайди.

Сизга шуни маълум қиламизки, Фахрийлар ташкилотлари иттифоқининг кўплаб вилоятлардаги Кенгашлари раислари мазкур вилоятларнинг вакиллари таркибида Тошкентга етиб келишган ва ҳозир ўзларига қарашли талабалар ўртасида тарбиявий ишларни йўлга қўйишда фаол қатнашмоқдалар.

Республика Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар фахрийлар ташкилотлари иттифоқига, Уруш фахрийлари федерациясининг Тошкент шўъбасига Сизнинг сўзингиз ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати Мурожаатномасининг мазмунини ҳар бир фахрийга етказиш, шу муҳим ҳужжатлар асосида талабалар ва ёшлар орасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш, бу ишга ҳурмат қозонган оқсоқоллар, Уруш ва меҳнат қаҳрамонларини жалб этиш вазифаси юкланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва район фахрийлар кенгашларига ёшлар ўртасида, асосан маҳаллий ўқув юртлари ҳамда олий билимгоҳларнинг ўқувчилари ва талабалари ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш топширилди.

Р. ҒУЛОМОВ.

Фахрийлар ташкилотлари иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси Кенгаши Раиси.

• ХДП ҳаётидан

СЕМИНАР БЎЛДИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят ташкилоти партиянинг парламент фаолиятини кучайтириш масалалари юзасидан семинар ўтказди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов ХДП шаҳар ва район ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг кам таъминланган табақалари ҳуқуқини ҳимоя этиш бўйича партия аъзоси бўлган халқ депутатлари билан ишлаш юзасидан вазифалари ҳамда бошқа сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар билан ўзаро алоқалари тўғрисида маъруза қилди. Семинар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи директори А. Ҳ. Сандов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

З. ВОҲИДОВ,
Наманган вилоят партия кенгашининг катта маслаҳатчиси.

ТЕҲРОНДАГИ КЕНГАШДА

Теҳрондаги иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида қатнашувчи мамлакатларнинг кенгаши давом этмоқда. Бу ташкилотга Эрон, Туркия ва Покистон киради.

Кенгаш ишида Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ва Озарбайжон делегациялари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг делегацияси қатнашмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

• Сиёсий ташкилот нуфузи

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Халқ демократик партиясининг мақсади халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, республикада тинчлик, осойишталикни барқарорлаштириш ҳамда бутун куч ва имкониятни иқтисодий, ижтимоий тангликни юмшатишга қаратилгандир. Бинобарин, бундай ҳаракатлар пировард натижада халқ фаровонлигига эришишни таъминлайди. Буни, янги партиянинг инсонпарвар йўлини изчил давом эттираётган кўплаб шаҳар, район партия кенгашлари ёки бошланғич ташкилотлар фаолиятида кўриш мумкин.

Олмалиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Турсунали Юсупов билан суҳбатимиз мавзуи ҳам ана шу хусусда борди. Шуни таъкидлаш керакки, металлургларга, кимёгарлар ва қурувчилар шаҳри ҳисобланган Олмалиқда аҳолининг 70 фоиздан кўпроқ қисмини рус забон кишилар ташкил этади. Шаҳар партия ташкилоти биринчи галда аҳолининг демографик жиҳатига эътиборни қаратиб, ҳар қандай масалани ечишда тенг ҳуқуқлилик принципига асосланмоқда. Шу боис шаҳардаги саноат корхоналари раҳбарлари орасида ўзбекни ҳам, рус ёки украин, белорус ёки чуваш, қозоқ ёки тожик миллатига мансуб кишиларни ҳам учратиш мумкин.

Шаҳар партия ташкилоти уруш ва меҳнат фахрийлари билан мунтазам мулоқотда бўлиб турибди. Уларга катта куч сифатида муносабатда бўлаётир. Кўп қаватли уйлар жойлашган микрорайонларда ташкил этилган 30 та маҳалла қўмитасидан 11 тасида ҳудудий бошланғич партия ташкилоти тузилди. Бу ерда ҳам энг муҳим ишлар кексалар маслаҳати, мадади ва бевосита иштироки билан ҳал этилмоқда. Шаҳар партия ташкилоти ХДП аъзоси бўлган халқ ноиблари, шаҳар кенгаши ва ижроқўмидаги партия гуруҳлари орқали муаммоларни ечиб боришга йўл топаётир. Жумладан 13 та маҳалла идорасида жойлашган бошланғич партия ташкилотлари иш хонасини мебеллар, столстуллар, бошқа буюм-жиҳозлар билан таъминланишига эришилди. Юз нафар ёлғиз қарияга бепул овқат берилмоқда. 7/15 маҳалла партия ташкилоти котиби Мария Галстова илгари умуман партия сафида йўқ эди. Эндиликда у янги партиянинг фаол аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. У раҳбарлик қилаётган бошланғич ташкилотга 51 нафар киши янгитдан аъзо бўлиб кирди. Шу мисолнинг ўзи ҳам Халқ демократик партиясига ишонч тобора кучайиб бораётганини кўрсатади. Чунончи, узоққа бормай Президент сайлови кунини мисолга келтирайлик. Сайловга аҳолининг қарийб 98 фоиз қисми қатнашиб, шулардан 96,6 фоизи И. Каримов номзодини, 95,5 фоизи эса Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаб овоз берди. Бу сиёсий тадбир уюшқоқлик, ишчанлик руҳида, ҳеч қандай дабдабасиз ўтказилгани 48 та бошланғич ташкилотга етакчилик қилаётган, ўз сафларига 1530 ХДП аъзосини бирлаштирган шаҳар партия ташкилоти учун жиддий синов бўлди.

— Биз учун энг муҳими — тинчлик ва осойишталик, — дейди М. Галстова, — ҳозир гоят қийинчилик, тақчиллик бўляпти. Бироқ вақти келиб булар албатта ўтиб кетади. Аммо тинчлигимиз бузилмасин, осойишталик барқарор бўлсин. Биз ана шундай тадбирларни амалга оширишга қурби етадиган етакчи кучлар борлигини биламиз. Улардан бири Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Биз шунинг учун ҳам унинг сафига кирдик. Шунинг учун ҳам республика мустақиллиги, унинг ишбилармон Президентини ёқлаб овоз бердик.

Кўпчилик кишиларнинг фикри ҳам шундай. 27-маҳалла партия ташкилоти котиби Ўскан Абдуллаевнинг айтишича, партия, бехабар бўлган ишнинг ўзи бўлмаслиги керак. Партия аъзоси доимо жамоа орасида бўлгандан кейин уларнинг талаб-истаклари, эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга нега интилмасин, ахир. Шу маънода 92 нафар партия аъзосини бирлаштирган ушбу ташкилот ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғизлар рўйхатини шаҳар кенгашига тақдим этиб, тегишли ёрдам кўрсатилишига эришмоқда.

Бундай усул шаҳар ташкилотига ҳам тааллуқлидир. Даставвал ХДП Дастури ва Низоми лойиҳаси муҳокамасида жуда кўплаб ёшлар ҳам иштирок этишди. Муҳокама юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўзгартиришлар чуқур таҳлил қилинди. Шаҳарнинг 40 йиллигига тайёргарлик ишларида шу сана муносабати билан шаҳар тарихи музейини ташкил этишда ҳам ёшларнинг куч-ғайратидан унумли фойдаланилди. ТошДУ кафедра мудири, вилоят партия кенгаши аъзоси М. Асқаров музейнинг ёшлар ҳаётида ўйнайдиган катта ролига ишонган ҳолда бажонидил бу юмушларга бош-қош бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кексалар билан ёшлар учрашуви ёки ҳар бир авлод билан алоҳида уюштирилган мулоқотлар ўз самарасини бермоқда. Бу мақсадлар муштараклигидан далолат албатта. Февраль ойида ўтказиш мўлжалланган ёшлар билан учрашувлар аввалгиларидан ҳам қизиқарли бўлиши кутиляпти. Уларда навқирон авлодни қизиқтирадиган барча масалалар юзасидан фикр алмашувлар, савол-жавоблар бўлиб ўтади. Шаҳар саноат корхоналари бадиий ҳаваскорлик тўгараклари хизматда бўладилар. Концертлардан тушган маблағ эса моддий аҳволи ночор кишиларга бўлиб берилади. Шунингдек, бу учрашувларда ХДП Дастури ва Низоми хусусида, партияга қабул масалаларида партия, жамоат намояндалари, тажрибали партия аъзоларининг чиқишлари уюштирилади. Ушбу тадбирлар шаҳар рўзномалари—«Олмалиқ ҳақиқати» ва «Алмаликский рабочий»да кенг ёритиб борилади.

Дарвоқе, бу рўзномаларга гарчи шаҳар партия кенгаши муассис бўлмаса-да, лекин рўзномалар саҳифаларидан унумли фойдаланмоқда. Партия Дастури ва Низоми муҳокамасида, илғор корхона ва ишчилар, ХДП аъзолари тажрибасини ёритишда улар асосий минбарлардан бирига айланди. Ҳатто рўзномаларда янгитдан партияга қабул қилинганлар рўйхати эълон қилинаётир. Нега? Бу саволга биринчи котиб шундай жавоб қайтарди:

— Бунда ҳам муайян кўзлаган мақсадимиз бор. Айтайлик, кечаги рўзномада «Монтажхимзашита» корхонаси бош муҳандиси В. Харриннинг ХДПга аъзо бўлгани ҳақида хабар босилди. Бу мисол мазкур корхона ишчиларини ўйлантирмасдан қолмайди, албатта. Рўзномада берилган рўйхатда 18-ўрта мактаб ўқитувчиси Х. Эргашев, 17-ҳунар-техника билим юрти устаси Ш. Болгаев, меҳнат фахрийлари—А. Бобожонов, К. Афанасьеваларнинг ҳам номлари бор. Кейинги пайтларда шу йўл билан ҳам партия сафларини кенгайтирмоқдамиз. Бу борада ҳеч кимни зўрлаётганимиз йўқ. Маълумки, кексалар бироз иззатталаб бўлишади. Бутун умрини ҳалол меҳнат қилиш билан ўтказган кишиларнинг бунга ҳақлари бор, албатта. Улар орасида илгари КПСС га аъзо бўлиб, айни пайтда янги партияга ўтишга иккиланиб турган ёки таклиф кутиб турганлар ҳам кўп. Шу йўналишда ҳам ўйлаб қўйилган режамиз бор. Ҳар бир кекса собиқ коммунистни туғилган куни билан қутлаб, уйларига табрикнома юборамиз. Деярли ҳар куни шахсан ўзим ёки иккинчи котиб шаҳар кенгашига таклиф этилганлар билан дилдан суҳбатлашамиз. Ҳозирги қийин шароитда жуда бўлмаганда бир оғиз ширин сўз билан кексалар кўнглини кўтариб қўйишнинг ҳам аҳамияти катта. Балки, шулар боисидан сафларимиз ҳафта сайин ўрта ҳисобда 15—20 кишига кўпайиб боряпти.

Суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, штатлар нескин қисқаргани сабабли кенгаш раҳбарларининг доимо омма орасида бўлишларига имкон чекланган. Лекин бунинг бошқа йўли ҳам бор. Масалан, ҳар ҳафтанинг биринчи куни бошланғич партия ташкилотларининг котиблари бу ерга келадилар. Йиғилиш жараёнида тажрибалар ўртоқлашилади, муаммолар ечимига йўл топишга ҳаракат қилинади, партиявий ишларни яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўрганилади. Муҳими, одамлар кўнглига қандай қилиб йўл топиш, мушкулини осон қилиш масалаларга диққат марказида бўлади. Шаҳар ишлаб чиқариши кўп тармоқли эканлиги сабабли соҳалар бўйича ҳам вужудга келган саволларга жавоб изланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, партия кенгаши ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мақсадида «Умид» деб номланган кичик корхонани ишга туширди. Бу ерда оғир ўқув юртларига кирувчилар учун ва давлат тилини ўрганиш бўйича курслар иш олиб боряпти. Курсларда таҳсил олувчилар ойига юз сўмдан ҳақ тўлайдилар. Ўз фондига эга бўлган шаҳар партия кенгаши кўпгина корхоналар, бошланғич ташкилотларга тўпланган аъзолик бадалларини ўзлари тасарруф этишларига рухсат берди.

Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради, деган нақл бор. Шаҳар партия кенгашидаги ишчанлик вазияти бошланғич ташкилотлар фаолиятига ҳам кўчмоқда. Кон-металлургия комбинати, темирбетон конструкциялари заводи, шаҳар алоқа бўлими, кимё заводи партия ташкилотлари омма билан ишлашда янгича усул ва шакллардан фойдаланмоқдалар. Масалан кимё заводи бош муҳандиси ўринбосари А. Коростеловдан «Нима учун сиз айнан шу партияга аъзо бўлдингиз?» деган саволимизга у шундай жавоб қилди:

— ХДП Дастури ва Низоми билан чуқур танишганимдан сўнг шу партиянинг демократик йўлдан оғишмай боришига, миллатлараро муносабатларда фақат ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари амал қилишига ишонч ҳосил қилганим учун ҳам унинг сафига кирдим. Ниятим — партиянинг мақсадларини ўз корхонамда амалга оширишга ҳисса қўшиш. Масалан айтайлик, завод иқтисодиётини мустаҳкамлашни —партия сафларини ўстириш, интизом ва тартибни таъминлаш, ташаббускорларни рағбатлантириб бориш йўллари билан ҳам амалга ошириш мумкин. Мен кўпчилик қатори бу хайри ишга ўз улушимни қўшиш учун ҳаракат қиляпман.

Собиқ КПСС аъзоси, айни пайтда ХДП бошланғич партия ташкилоти ижроия бюроси аъзоси, цех устаси Т. Битиниевнинг фикр-мулоҳазаси эса асосан амалий ишлар билан йўғрилган.

— Мен аминманки, ҳамма ишда ҳам қаттиқ назоратни кучайтирмасдан туриб силжишга эришиб бўлмайди. Айниқса ҳозирги эркин нархларга ўтилган пайтда ишчиларни ижтимоий муҳофаза этиш ҳамма нарсадан муҳимдир. Бу борада партия ташкилотимиз, завод маъмурияти бир қатор ибратли ишларни амалга оширяпти. Бундан жамоа аҳли беҳад миннатдор. Халқ назоратчилари билан бирга ишчилар ошхонаси, шаҳар транспорти, дам олиш соҳаларида дуч келинаётган турли хил тартбсизликларни тугатиш ва қатъий интизом ўрнатишга кўмаклашяпмиз. Саккиз нафар партия аъзоси муҳим йўналишлар бўйича иш олиб борянти. Жумладан, яқинда ишчиларнинг ишга кечикиб келишлари кузатилди. Айб шаҳар транспортида экан. Бу масала ўша куниёқ шаҳар партия кенгаши ва ижроия қўмита олдига кўндаланг қўйилди. Шунингдек, партия аъзолари ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ масалалар ечимида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Корхонанинг 4-экстракция цехида асосан ёшлар меҳнат қилишади. 17 нафар партия аъзоси бор. Партия ташкилоти котиби Вали Беляев хўжалиқ юритишнинг янги усуллари, меҳнат фахрийлари ва ўқувчи ёшлар хусусида кўпроқ бош қотиради. Шаҳардаги 17-, 19-ўрта мактаблар асосан шу цех оталиғида. Шуниси диққатга сазоворки, ўқувчилар заводда меҳнат кўникмалари ҳосил қилишса, фахрийлар мактабларда бўлиб, уларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказишяпти.

Биз ишчиларни қанчалик ижтимоий муҳофаза этаётган бўлсак, меҳнат фахрийларини ҳам шунчалик ҳимоя қиляпмиз. Уларни озиқ-овқат, кийим бош билан таъминлашга ҳам бош қўшяпмиз. Ўтганлар ҳурмати жойига қўйиляпти. Оиласига моддий ёрдам берилаётир. Ана шундай меҳр-оқибатни кўриб, ҳис этиб турган ёш ишчиларнинг албатта, партия ташкилотига бўлган ишончи мустаҳкамланиб боряпти. Ҳозир қўлимизда яна етти кишининг ўз тақдирини партия тақдири билан боғлаш истаги билдирилган аризаси бор.

Маъмурият ва партия ташкилотининг ишчиларга ғамхўрлиги ўз навбатида корхонада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш имконини беряпти.

Кимё заводи партия ташкилоти эндиликда шаҳардаги энг йирик ташкилотлардан бирига айланди. Бунга энг аввало инсон омили биринчи ўринга қўйилгани сабабли эришилди. Партия ташкилоти жонкуярлиги билан жамоа аҳли учун шу йил охиригача етадиган миқдорда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар заҳирада сақлаяпмоқда. Қишлик учун картошка, пиёз, гуруч, олма арзон баҳоларда сотилди. Вақти-вақти билан гўшт ва гўшт консервалари, помидор, сир, шакар, ширинлик савдоси уюштирилмоқда. Шунингдек, заводда рус забон кишилар хоҳиши билан ўзбек тилини ўрганиш бўйича уч ойлик курс ҳам ишлаяпти. Корхона партия ташкилоти шаҳар партия кенгаши ўз моддий аҳволини яхшилаб бориши учун ўз фондидан 20 минг сўм миқдорида пул ўтказди.

Қиссадан ҳисса шуки, шаҳар партия кенгаши асосий эътиборни меҳнат жамоаларига қаратиб, ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришмоқда. Бинобарин ҳамма яхши нарсаларнинг куртаклари қуйи меҳнат жамоаларида ниш уриши ҳаёт синовларидан ўтган. Зотан, бошланғич ташкилотлар партия юқори органларининг таянч нуқтаси бўлиб келгани барча даврларга хосдир.

Самиржон ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши масъул ходими.

Абдунабй МАННОПОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Уйчи районидаги Бобур номли жамоа хўжалигида кичик корхоналар очилиб, қишлоқларнинг аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришда қўл келмоқда. Турли цехларда юзга яқин ёшлар иш билан таъминландилар.

СУРАТДА: автослесарь В. Мамадалиев иш устида.

Т. АКБАРОВ олган сурат.

• Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

ШАҲАРЛИКЛАР СУВГА ЁЛЧИБ ҚОЛИШДИ

ЛЕКИН ЙИРИК ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТРЕСТЛАР ҲАМ ТАШАББУСНИ ЎЗ ҚЎЛЛАРИГА ОЛИШЛАРИ КЕРАК

Жумҳуриятимизнинг аксарият вилоятларида тоза ичимлик сув тақчиллиги ҳамон сезилиб турибди. Айниқса, Оролбўйи минтақасида, асрий Қизилқумга туташ районларда аҳвол мураккаб. Зарафшон дарёсига яқин вилоятларда ҳам чучук ичимлик сув камчил. Бунинг асосий сабаби табиат мувозанатининг бузилганидир.

Ичишга яроқли об-ҳаёт танқислигига Зарафшон дарёсининг саноат корхоналари чиқиндиларидан заҳарланиши ҳамда қурғоқчилик туфайли дарёда сув камайгани ҳам сабаб бўлиб турибди. Хўш, бу аҳволдан қандай қутилиш мумкин?

Худди шу муаммолар боис 1987 йилда хайрли ишга қўл урилди. Собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги қурилиши вазирликлари ҳамда «Узводаканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси хомийлигида Дамхўжа ичимлик сув иншооти қурилиши бошланди. Бу йирик гидроиншоот 303 километр масофани ўз ичига олиб, уч қўшни вилоят — Самарқанд, Навоий, Бухоронни об-ҳаёт йўли билан боғлаши керак эди. Дамхўжа Самарқанд вилоятининг Қорадарё ўзанидаги «Кўрпа» ҳавзасида жойлашган бўлиб, катта ерости денгизидан сув олиши кўзланган эди. Замин қаридаги бу денгиз йўналиши Иштихон, Каттақўрғон районлари чегарасининг бир қисми ҳамда Қорадарё ўзанини ўз ичига олади. Мазкур ерости денгизи сувининг хуштаъм ва мусаффолиги билан бошқа истеъмолдаги сувлардан тубдан фарқ қилади. Шу мақсадда асосий об-ҳаёт манбаи сифатида Дамхўжа кенглиги, «Кўрпа» сув ҳавзаси танланди.

Дастлаб сув қувурлари қурилишига 107 миллион, 1990-1991 йилларга келиб эса 184 миллион сўм ажратилди. Бозор муносабатлари, эркин нархларга ўтилиши муносабати билан гидроиншоот қурилишига 200 миллион сўм ҳам етмайдиган кўринади. Чунки узунлиги 10-11, эни эса 1,5 метр бўлган ҳар бир сув қувурининг ўзи ҳозир қарийб 2-3 минг сўмгача қимматлашиб кетди. Яхшиям ўтган 4 йилда мазкур қурилишда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада 266 километр масофада қувурлар пайвандланди, ётқизиб бўлинди. «Кўрпа»да эса 84 та сув қудуғи қазилиб, кучли насослар ўрнатилди. Бу насосларнинг аксарият қисми ишга туширилди.

Демак, ташналик ташвишидан қутиладиган, чанқоқликни босадиган қунлар яқинлашди. Айниқса, гидроиншоотнинг Навоий шаҳригача бўлган 84 километрли йўлида қувурларни улаш-пайвандлаш ишлари узил-кесил ниҳоясига етди. Натижада 1992 йилнинг январь ойи навоийликлар учун унутилмас бўлиб қолди. Кимёгарлар, энергетиклар шаҳрига зилол Дамхўжа суви етиб келди. Ҳозир ҳар кеча-кундузда шаҳарликлар 75 минг куб метрдан ортиқ «Кўрпа» ҳавзаси манбаидан сув олишяпти. Бу тоза сув илгари Зарафшон дарёсидан олиниб келинаётган 390 минг куб метр ҳажмдаги сув билан аралаштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

— Дамхўжадан ширин сув келди-ю, мушкулимиз осонлашди, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳи Навоий филиали директори, профессор, Ўзбекистон халқ депутати Равшан Раҳмонов. — Эндиликда сув сифати яхшиланибгина қолмай, кўп қаватли турар жой биноларини, таълим-тарбия муассасалари, саноат корхоналарини ҳам об-ҳаёт билан тўла таъминлана бошлади.

Ҳа, шаҳарликлар сувга ёлчиб қолди. Бироқ Навоий, Навбаҳор, Қизилтепа районларига қачон Дамхўжа суви етиб бораркан? Ҳатто Қизилтепа ва конимехликлар ҳам бу сувдан умидвор. Мазкур районлар аҳолиси ичимлик сув учун нуқул қўл насосларидан фойдаланишмоқда. Афсуски, Кўкча, Буканай кон қидирув экспедициялари уран қазиб олиш ҳаракатида ер остига кислота юборавериши, насослардан чиқадиган тоза сувни ҳам булғаши мумкин.

Хуллас, Дамхўжа-Навоий-Бухоро сув қувури қурилишидан кўпчилик манфаатдор. Шундай экан, бу иншоот қурилишини жадаллаштириш, унинг иккинчи — ҳал қилувчи босқичини ҳам тезроқ ишга туширмоқ зарур бўлиб қолмоқда. Бизнингча, энди «Бухарагазпромстрой», «Югпроммонтаж», «Самарқандсовхозводстрой», Навоий қурилиш бошқармаси каби йирик пудратчи ташкилот ва трестлар гидроқурувчиларни ҳам ташаббусни ўз қўлларига олмоқлари керак. Агар барча имкониятлар ишга солинса, мавжуд резервлардан оқилона фойдаланилса, шу йил охирига бориб қадимий Бухорога ҳам Самарқанд суви етиб боради. Ана ўшанда ташналик ташвишидан қутиламиз, сувга сероб бўламиз.

М. ШАРОПОВ,
«Бухоро ҳақиқати» рўзномасининг Навоий ҳудуди бўйича мухбири.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ •

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ХДП Бўз район кенгаши ижроия бюроси А. Навоий номли 13-ўрта мактабга мустақиллик бериш, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш бўйича мактаб жамоасининг ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилди.

Таълим-тарбия, ўқувчиларга ҳунар ўргатиш миллий анъаналардан келиб чиқиб амалга оширилади, иқтидорли, ишбилармон кадрлар тайёрлаш бош мақсад қилиб қўйилади. Мактабга молиявий-хўжалик, таълимий жиҳатдан мустақиллик ва тўла ҳуқуқ берилади. Мактаб ўз бюджетини ўзи белгилайди ва ижро этади. Район банкида ўзининг ҳисоб-счётига эга бўлади. Штатлар ва иш ҳақи ҳажмини, мукофот белгилашни мактаб маъмурияти ҳал қилади. Даромадни кўпайтириш чора-тадбирларини белгилайди.

Бундай шароитда ҳар бир муаллим ўз маҳорати, билим ва тажрибасини кенгроқ намоён қилиши учун имконият яратилади, у ўз меҳнати натижасига қараб маош олади ва рағбатлантирилади. Мактабда ўқувчиларга таълим-тарбиядан ташқари ҳунар ўргатилади. Улар мактабдан камида икки ҳунар эгаси бўлиб чиқадилар.

Бунинг учун мактабда ХДП район кенгаши ёрдамида кичик корхоналарнинг филиаллари, устахона ва цехлари очилади. Хўжаликдан ер участкаси ажратилди. Ўқувчилар қайси фанларга, ҳунарга қизиқиши қобилиятига қараб танлов ўтказиш йўли билан саралаб борилади, босқичма-босқич таълим берилади.

Назарий дарслар қисқартирилиб, болалар мактаб қошида очилган ҳунармандчилик устахоналари, тажриба участкасида, тўгаракларда ишлайдилар. Мактабда тажриба учун беш кунлик ўқиш жорий этилади. Шанба куни фақат амалий машғулотлар бўлади. Ўқувчиларга одобнома, меҳнат дарслари ўтилади, пазандачилик, диний ҳадислар ўргатилади, турли хил спорт секциялари иш олиб боради.

Мактабда болаларнинг умумий овқатланишига катта эътибор берилади. Мактабнинг ўз участкасида мева, сабзавот фермерлик хўжалиги ташкил қилиниб, бу ерда ошхонада ишлатиш учун гўшт, сут етиштирилади...

ХДП район кенгаши ижроия бюросининг қарори Андижон вилоят ва барча район халқ таълими бўлимларига, тегишли ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига юборилди.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг таҳлил ва тахмин гуруҳи эркин нархларнинг жорий қилинишн тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида сўров варақаси тарқатди. Сўровда қатнашган кишиларнинг 90 фоизи эркин нархлар орқали бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаётий заруратдир, деб ижобий фикр билдирди.

Худди шундай варақа Андижон бадиий буюмлар фабрикаси ишчи ва хизматчиларига ҳам тарқатилди. Сўровда қатнашганларнинг 51 фоизи эркин нархлар орқали бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича жумҳуриятда олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолади. 28 фоизи бу ҳақда салбий фикр айтди. 20 фоизи эса ҳеч қандай фикрга эга эмаслигини кўрсатди.

Бир гуруҳ ишчилар эркин нархларнинг жорий қилиниши вақтинчалик зарурат, шунинг учун қийинчиликларни енгиб ўтиш керак, дейишди. Иккинчи гуруҳ ишчилар нарх-наво кўтарилгандан кейин ўз оилаларида озиқ-овқат маҳсулоти ва товар сотиб олиш 51 фоиз камайганлигини таъкидладилар. 35 фоиз оилаларда маҳсулот сотиб олиш оз миқдорда камайди. 13 фоиз оилада маҳсулот харид қилиш ўзгармаганлиги аён бўлди.

Сўров варақасини тўлдирган ҳар уч ишчидан бири бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ўзининг турмуш шароитини яхшилашга корхона маъмуриятидан, 21 фоизи вилоят раҳбариятидан, 31 фоизи жумҳурият ҳукуматидан ёрдам кутаётганлигини, 14,5 фоизи ўз бисотига умид боғлаётганлигини баён қилган. 49 фоиз ишчи купон жорий этилса ҳам зарур товарлар йўқлигини қайд этган. 28,8 фоиз ишчи нархларнинг кўтарилишини чегаралаш, чайқовчиликка карши курашни кучайтириш, савдо назоратини яхшилаш, Ўзбекистон ўз пулини чиқариши ҳам аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади, деб ҳисоблаган...

Ўтган йили фабрикада ҳар бир ишчига кунига тушлик овқат учун 3 сўмдан, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб эса 5 сўмдан пул беришга ўтилган. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 260 сўмдан 500—600 сўмга кўтарилган. Илғор ишчилардан Дилфузахон Тошматова, Раҳимахон Усмонова, Муножатхон Холматова, Муҳаббатхон Йўлдошева, Озодахон Эргашева ва бошқалар ойига 600 сўмдан 1000 сўмгача иш ҳақи олишга эришдилар.

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШДИЛАР

ХДП Олтинкўл район кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг маслаҳат кенгаши бўлди. Унда Андижон вилоят кенгашининг котиби Расулжон Мухторов ҳозирги шароитда партиянинг роли ва мавқеи, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият ҳамда партиявий ишларни жонлантириш усуллари ҳақида маъруза қилди.

Шундан кейин эркин суҳбат, ўзаро фикр алмашув, қизғин баҳс, савол ва жавоблар бўлди. Халқ демократик партияси ҳаётига доир масалалар бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, илк ишлари, долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Олтинкўл район партия кенгашининг биринчи котиби Абдушукур Содиқов партия ташкилоти амалга оширган ва қиладиган муҳим ишлар ҳақида гапирди.

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг маслаҳат кенгаши, фикр алмашуви вилоятнинг Бўз, Избоскан районларида ҳам бўлиб ўтди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЁНОТ

Кейинги вақтларда Россиядаги бир қанча оммавий ахборот воситаларида гўё Ўрта Осиёдан рус тилида сўзлашувчи аҳоли оммавий равишда кўчиб кетишга шайланмоқда, деган гап зўр бериб такрорланмоқда. «Комсомольская правда» рўзномасидан кейин яқинда Россия телерадиокомпаниясининг ахборотида навбатдаги бемаъни «башорат» янгради, буни Россия Федерациясининг халқ депутати Г. Старовойтова айтганлиги билдирилди. Шу хабарда айтилишича, Ўрта Осиёдан гўё 3—5 миллион қочоқ келиши кутилаётганлиги муносабати билан бу ерга БМТнинг бўлинмалари тоифасидаги қўшинларни киритиш зарур бўлиб қолиши мумкин эмиш.

Мустақил давлатнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсати ҳақида афкор оммага ёлғон тасаввур ҳосил қилишга уринаётган мана шундай масъулиятсиз, моҳият эътибори билан ирвогарликдан иборат даъволарга қарши Ўзбекистонда кескин норозилик билдирилмоқда. Далил-исботсиз гапларнинг кўп миллионлаб кишилар қулоғига қуйилиши Ўрта Осиё минтақасида фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни бузишга, аҳолининг бир қисми орасида ғаҳлика ва саросималик кайфиятини юзага келтиришга, жазавани авж олдиришга, одамларни кўчиб кетишга ундашга қўполлик билан уринишдан бошқа нарса эмас. Бу ниятларнинг гиж-гижловчилик, андишасизлик тусида эканлиги яққол кўриниб турибди.

Кўп миллатли Ўзбекистоннинг бошқа фуқаролари каби рус тилида сўзлашувчи фуқаролари ҳам ўз тақдири учун безовта бўлишига ҳеч қандай асос йўқ. Улар шубҳали сиёсий мақсадларни кўзловчи ғаламис «ҳимоячилар»нинг уйдирмаларини ғазаб билан рад қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот шўъбаси.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Қўқон дон маҳсулотлари комбинатида янги тегирмон комплекси ишга туширилди. Бу иш замон талаби даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Зотан, ўтган 20 йил давомида корхона ишлаб чиқариши қайта таъмирланмаган, ускуналар эскирганлиги туфайли етарли самара бермай қўйганди.

Эндиликда комбинатда ўрнатилган янги ускуналар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Корхона аҳли бир кеча-кундузда қарийб 370 тонна ун тайёрлаяпти.

СУРАТДА: тегирмончи Иброҳим Маҳмамов ва лаборатория ходимаси Мақсуда Холматовалар.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

„АВТОБУС ҲОКИМИЯТИ“

1.

Бу яна қандай ҳокимият бўлди, деб ажабланманг. Ҳа-ҳа, шундай «ҳокимият» бизнинг кунларда туғилиб, шитоб билан палак отмоқда. Қонунчилик маҳкамаси томонидан «рўйхатга олинадими», йўқми, буниси номаълум, бироқ у ҳам барча ҳокимиятлар қатори салтанат учун курашмоғи аниқ. «Автобус» ва «салтанат» — бир-бирига унчалик қовушмайдиган бу тушунчалар қандай ёнма-ён келиб қолди? Бу «ҳокимият»нинг алоҳида белгилари нима ўзи? Белгилар ҳам оддий, ҳам мураккаб, айни пайтда унинг бир неча хил кўринишлари бўлиши мумкин. Бироқ энг ривож топган — синалган усули шундай: йигирма-ўттиз — баъзан озроқ ёки кўпроқ бўлиши ҳам мумкин — қора чопон, кўк чопон, яроқлаган автобусга ўнг-у чап миниб, «Қайдасан, Тошкент!» ҳайёҳуйт деб пойтахтга равона бўлиш!

Пойтахт бўлгач, катта-кичик маҳкама-ю савлатидан от ҳуркийдиган нишонли-нишонсиз миршаблари сон-саноқсиз! Б-е, от ҳуркиса ҳуркир, у от-да, бизнинг «автобус» ҳар қандай баланд маҳкаманинг миршабини ҳам ҳуркитади. Аввало машқ баланд, қолаверса, қайта-қайта рўпара келавергач, азроил ҳам ошно бўлиб қоларкан-э! Нафсиламбирини айтганда, бизнинг «автобус» ҳам қишлоқ чангитиб юрадиган автобус эмас, пешонасига «Тойота», «Ниссан» каби чет эл тамғалари туширилган ва, табиийки, «сайёҳ»ларга аввалдан нуфуз бахш этиб туради! «Автобус экипажи» ранг-баранг, бироқ ҳар бир «экипаж»нинг ўз чўққи соқол «серкаси» бўлиши турган гап. Унинг ҳар бир имо-ишораси қўнғироқдай гап — унинг бир гапи билан «автобус» ётади, бир гапи билан туради! Маҳкама эшигининг олдида хоҳласа бир кун, хоҳласа бир ҳафта «автобуси»ни қантариб қўяверади! Унинг бир ишораси билан шофёр ҳам оёғини кабина эшигидан чиқариб, ширин туш кўриб ётаверади!

Тўдабоши — бизнинг серка миршаб турган эшикнинг остонасига етганда ғазовот майдонига келгандай чапақай сўкиниш билан автобусдан тушаркан, салом-аликка ҳам тоқатиқ бўлиб, «ультиматум»нинг биринчи бандини хитоб қилади: «Каттангни чақир, каттангни!»

Миршаб ҳам нима қилсин, жой кўрсатади. Тўқнашувлардан пихи қайрилиб кетган қабулхона мудири ҳам серкани кўргач, важоҳатидан шошиб қолади: «Хуш кепсиз, отам!» — дейди-да, атрофга олазарак боқади. Миршаб ҳам кўринмайди! «Отам, бир пиёла чой ичиб олинг!» — дейди унинг кўзига тикилиб. «Ҳа, бу мочағар тулкининг ҳам ҳоми бор-да — ҳаёл суради серка андиша-пандишани чой билан хўплаб ютиб юборган ҳолда, оёғи типирчилайди, чой узатиб қолди!..».

— Бўл-бўл, каттангни чақир, каттангни! Бўлмаса, ўзим...

— Хизмат отам?

— Хизмат-пизматингни қўй, сенлар текинга хизмат қилмайсан! Ҳаммангни биламан, томирларинг бир! Имиллама, чақир.

Чақирадилар. Масъул ходим тушади. Серка кўнмайди! Шўъба мудири тушади, бўлим мудири тушади, серка қўл силтайди! Серка, луғатга тушиб улгурмаган, лекин ўз ҳумдонида 70 йил пишитган «сўз маржон»лари билан ҳаммасини бирваракай сийлайди! Насибасини олиб бўлган хизматчи ўз каттасини, каттаси каттасини бирин-кетин чақириб тушади! «Маржон»лар ҳаммасига етиб ортади! Ғизиллаб келганлар, серка бир нафас урганда ғизиллаб ортига қайтади. Навбат камида давлат маслаҳатчисига етганда бизнинг серка очила бошлайди: «Халқ ҳукмини етказмоқ биздан, ижро этмоқ сиздан!» Халқ ҳукми бош устига, — шайланади давлат маслаҳатчиси, — хизмат отахон, хизмат?». «Мана шу гапингизда турасиз, — дейди «халқ вакили» маслаҳатчининг қумсонига кутилмаганда шаппиллатиб уриб, — гап битта-я!? Бўлмаса, эшитинг: Бизга ҳоким керак!», «Э, шунгаям шунчами, отахон маслаҳатчи унинг ўз сони устида турган барзанги қўлига оҳиста қўйиб қўяркан астойдил изоҳ беради: — ҳотиржам бўлинг, отахон, автобусдаги ҳамсояларга ҳам айтиб қўйинг, улар ҳам хотиржам бўлишсин, ҳоким албатта бўлади! Ҳокимсиз юрт бўладими, ахир! Шунча йил ҳокимсиз, беэга яшаганимиз етар! Ташвиш тортганингиз учун раҳмат! Яшанг, ота, балли, ота! Ҳамсояларингизга ҳам раҳмат! Момомларга ҳам салом айтинг! Ҳайр, ота, соғ-омон бўлинг! Тез кунда, албатта ҳоким сайланади!».

— Бизга «сайлов-пайлов» кетмайди! Биз ҳокимнинг тақдирини бугун мана шу ерда ҳал қиламиз! Ҳокимлик паттасини узил-кесил муҳрлаб, автобус кейин жойидан жилади. Бўлмаса, бир қадам жилиш йўқ! Бензин ҳам анқонинг уруғи бўлиб турибди!

— Э-э, ота?..

2.

— Нима ота? — Э... «отта»нинг топибсан! Чақир, каттангни!

Рости, бу «суҳбат»да бир чимдим-ярим чимдим «бадиийлик» бўлса бордир, бироқ бу унинг воқеийлик моҳият-эътиборини асло ўзгартирмайди. Ҳар бир автобуснинг йўллари бошқа-бошқа, экипажнинг ёки, бўйи-басти турлича, «серка»лари ҳам ранг-баранг бўлиши мумкин, лекин буниси ҳам салтанатга интилишнинг асл моҳият-эътиборини ўзгартирмайди. Бу қандай салтанат йўли? Каттадиркичикдир бир автобус одам «ҳокимликни эгаллаймиз!» деган шнор билан узоқ йўлга равона бўлишса-я?! «Биз айтган одам ҳоким бўлса бўлди, бўлмаса маҳкамани тарк этиш йўқ! Ё ҳаёт, ё ҳоким!»

Ажабо, 74 йиллик «коммунистлар салтанати»дан кейин энди «автобус ҳокимияти» ҳам бормиди. Давлат автобусида давлат қонунларига қарши бориш инсофданми? Бу автобусларнинг эгаси йўқми? Бу автобусларнинг йўл варақасида нималар ёзилган ўзи? «Ҳокимият жанги»ми? Ҳозирги бозор иқтисодиётида трамвайнинг пули чимиллатиб чақиб турганда, автобусларни ҳафталаб маҳкама эшигида қантариб қўйган бойваччалар ким? Наҳотки, ҳокимликнинг ҳалол йўли қолмаган бўлмаса? Ёки ҳокимлик ғалабасига олиб борадиган барча йўллар яхшими?

Бир тарафдан қаралганда «автобус ҳокимияти» бугунги «демократия», «ошкоралик» мевасидай жилваланиб кўзга ташланади! Демократиями — демократия, ошкораликми — ошкоралик, уни чидаганларга чиқарган! Бу — кураш майдони. Кимдир бу майдонга автобусда, қудрати етса поездда, самолётда келиши мумкин. Ҳозир уддабуронларнинг куни туққан, билет-милети биланмас, самолётни экипажи билан сотиб олсин! Пули борнинг — йўли бор! Пули узуннинг — тили узун! Оғзи қийшиқми, кўзи қийшиқми, бойнинг ўғли сўзласин — қаршилик йўқ. Лекин дўппини бир зум ерга қўйиб, ўйлаб кўрайлик: демократия атомдан кучли эканлиги маълум, ошкоралик билан қўшилганда унинг йўлини тоғ ҳам тўса олмаслиги аниқ. Бироқ «атом» кучидан биз нимада фойдаланмоқчи бўляпмиз, ахир? Чок-чокидан сўкилиб бўлган жамиятни тиклашдами ёки барбод қилишдами? Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: биз аслида нимани — «демократия», нимани — «ошкоралик» атамоқдамиз? Бир район ёки бутун бир вилоятдан бир автобус одам йўлга чиқса, улар «демократия-ю», қолганлар «антидемократия»ми? Миллион аҳолиси бўлган вилоятни қўя турайлик, бир автобус «вакиллар» юз минг кишилик район аҳолисининг неча фоизини ташкил этади? Боринг, энг улкан автобуснинг юкхонасигача икки буклаб тиққанда ҳам нари борса юз киши кетар, бу ахир районнинг мингдан бир фоизи-ку?! Минг киши эгри-ю бир «автобус» тўғрими? Инсоф борми ўзи? Нима, биз автобус ҳокимияти қурамизми?

Хўш, «автобус ҳокимияти» у ёки бу ҳолатда мақсадга етди деб фараз қилайлик. Ғалаба марраси эгалланди! «Автобус ҳокимияти» у ёки бу районда ўз ҳокимини тиклашга муваффақ бўлди ҳам дейлик. «Автобус ҳокимияти» ҳуқуқий давлат сиёсатига болта урмайдими? Бу қонун йўлидан чекиниш эмасми? Чекинишнинг биринчи қадами оғир, кейин қадамба-қадам чекиниб кетилаверади. Эртага «автобуслар жанги» бошлаймайдими? «Автобус» учун бўлган чекиниш эртага самолёт учун, «поезд»лар учун бўлмайди деб ким кафолат беради? Бир «автобус» изидан ўн «автобус» қўзғалмайди деб бўладими? Унда нима бўлади, ҳар бир «автобус» маррага етганда район ёки вилоятда ҳоким тахтдан ағдарилиб, янгиси қўйилаверадими? Бундай-да фуқаронинг ҳоли нима кечади? Ҳуқуқий давлат манзилига қачон етамиз? Андишанинг оти қўрқоқми?

Ажабо, бу автобуслар аслида кимга тегишли, уларнинг ортида кимлар турибди?

3.

«Сайёҳ» автобусларда кимлар кезмоқда? «Автобус» ва уннинг доимий «йўловчилари» хусусида ҳам анча-мунча маълумотлар бор. Биз буни штатли юмушга, касбга айлантириб олганларни ҳам биламиз, уларни районда ва вилоятда ҳам отнинг қашқасидек танийдилар. Уларнинг номларини келтириб ўтишни лозим топмадик, улар ҳуқуқий давлатга суиқасд қилсалар ҳам биз улар «ҳуқуқи»га соя ташлашни истамаймиз. Лекин вақти-соати келиб бу ишнинг миси чиқиши турган гап. «Автобус» сиёсати турли сиёсатлар қайнаб тошган бизнинг давримизда катта оқимдаги муттаҳам бир сиёсат, холос. Бу «сиёсат» йўлини таёқ билан тўсиш асло мумкин эмас, уни «тушуниб-етиш» учун озроқ вақт ва озроқ сабр-бардош лозим бўлади. Бироқ унинг хавфли бир томони бор: содда ва оққўнгил одамларни йўлдан уради! Баландпарвоз, «адолатгўй» шиорлари билан анчайин одамларни ҳам йўлдан оздиради, бошини айлантириш ҳам мумкин.

Кези келганда, адолат учун айтмоғим керак. Камина ҳам «автобус ҳокимияти»нинг илк ҳамласидан бошим айланиб қолганим бор. Бошдан ўтказган — табиб, дейдилар... Журналист дўстим Шуҳрат Жабборов билан бундан икки йил бурун Жиззах шаҳар партия қўмитасининг ташкилий масала кўрилаётган пленумида қатнашиб турган эдик, эшик олдида «тўполон» бошланиб кетди. Кимдир, «безорилар» деб, эътибор қилмасликка чорлади. Қандай эътибор бермаслик мумкин, «безорилар»... чоллар экан! Бино эшигига автобусни кўндаланг қўйган бир гуруҳ чоллар пленумни тўхтатишга муяссар бўлишган эди ўшанда. «Чоллар гуруҳи» нафақат ўз «ультиматуми»ни қўйган, балки, пленум руҳини ҳам бошқа ўзанга буриб юборишга эришганди. Пленум тугаши билан улар ғалаба нашидасида ўйин тушишганини кўриб қувонганимни яширмайман!...

Ўшанда биз бу «ғалаба»ни янгича тафаккур самараси деб баҳолаганмиз. Ёдимда, улар бизни, биз эса, уларни олқишлаганмиз. Афсуски, кейин... кейин мен сараланган «чоллар гуруҳи» кўпгина майдонларда ўйин тушганларини кўрдим. Булар турлича «ўйин»лар эди! Мен бу «ўйин»лар чилдирмасини панапанада туриб, кимлар чалаётганини билганимдан сўнг «янгича тафаккур» мағзини чақиб, англаб етдим. Афсуски, бу каттагина сиёсатга айланиб улгурган эди. Айрим «сиёсатчилар» ўз мақсади йўлида халқ кўнглини топиш эмас, бир гуруҳ «сараланган чоллар армиясини» тузишга берилиб кетган кўринади. Хўш, бу нимага олиб келади? Мустақиллик йўлида тетапоя одим ташлай бошлаган республикада мўътабар қарияларимиз ўрни қаерда?

Оқсоқоллар — жамиятнинг мўътабар қатлами, у ёки бу ўринда раҳбарликка номзод танланганда биринчи сўз айтиш, таклиф киритиш ҳуқуқини уларга беришни олқишламоқ керак! Бироқ, улар ўз сўзини ўз ўрнида, ўз ҳурмат-эътибори даражасида айтишлари лозим эмасми? Улардан одоб талаб қилиш балки одобсизлик бўлар, бироқ қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ёшу-қарининг баб-баравар бурчи-ку! Қонун ҳеч кимга алоҳида имтиёз бермаслиги маълум. Бироқ, бу масаланинг бир томони, холос. Иккинчи томондан, чуқурроқ ўйлаб қаралса, биз ҳар қанча эъзозламайлик, бир гуруҳ «сайланган қариялар» юз минг кишилик шаҳарда бутун жамоа фикрининг мутлақ ифодаси бўла олмайди-ку? Оқсоқоллар гуруҳи қонунни четлаб туришса, жамиятнинг бошқа қатламлари, масалан, ёшлар қандай йўлдан бориши керак?

Ҳозир кўпгина жойларда «афғончи жанг-чи»лар сиёсатда фаол ҳаракатга тушиб қолишган. Тўғри, жамиятнинг уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, нафақачилар қатлами каби улар ҳам қатор имтиёзларга эга. Лекин лар шаънига ҳақорат изламаслиги керак, бундай шаккокликкa бориш ниятимиз йўқ. Қолаверса, «автобус ҳокимияти» сиёсатига қарияларнинг катта қисми алоқадор ҳам эмаслар. Лекин биз бир қисм шахслар ҳаракатининг ҳам қонун доирасида бўлишини истаймиз. Бизнинг жамият узоқ йиллар у ёки бу гуруҳларнинг зўравонлигига асосланган давлат босқичини яшаб ўтди. Унинг мевасини ҳамон териб келаётганимиз ҳам рост. Оталар болаларга ўз ўрнини бўшатиб бериши муқаррар, лекин оталар учун бошқа ҳоким, болалар учун бошқа ҳокимни орзу қилиб бўлмайди!

Бу ўринда ким ҳоким бўла олади ёки ҳоким қандай бўлиши керак, деган ақида устида баҳс очиш ниятимиз йўқ. Қолаверса, жамиятнинг ҳеч бир қатлами, шу жиҳатдан қариялар ҳуқуқини рад этиш истагидан ҳам мутлақ йироқмиз. Фақат ҳар қандай ҳуқуқ имтиёзи қонун доирасида, қонунчилик асосида қарор топиши муқаррар эканлигини таъкидлашни истаймиз. Акс ҳолда, бир сафар қариянинг оппоқ соқоли «ҳурмати», яна бир сафар важоҳатлиларнинг шиддатли шиорлари қонундан чекинишимизга сабаб бўлса, бора-бора чекинишларнинг чеки кўринмайди!

Марҳамат, отахонларимизнинг таклиф ва мулоҳазаларига ҳурмат билан қарашга ўрганайлик. Шу жумладан ҳокимлик масаласида ҳам. Бу хусусда фахрийларнинг ёки маҳалла аҳлининг умумий йиғилиши муайян ҳуқуқга эга бўлиши табиий ҳол. Ана шундай ҳуқуқдан ёшлар уюшмаси, турли сиёсий партиялар, жамиятлар фойдаланиши фойдадан ҳоли эмас. Бироқ бу ҳуқуқдан жамият бошқа қатламларининг қонуний ҳуқуқини поймол қилишда фойдаланмаслик керак. Қонун тақдирини у ёки бу қатлам қўлига бериб қўйиш мумкин эмас! Ўзбекистон Республикасининг янги қонунига кўра, вилоят ҳокимини Президент тайинлайди, район ҳокимларини вилоят ҳокимлари тайинлайдилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам тегишли сессияларда халқ депутатлари уларни тасдиқлайдилар. Улар сайланмай қолган ҳолларда эса, янги номзодлар яна ўша тартибда такроран таклиф этилади... Ана шундай қонун Республика Олий Кенгашининг сўнгги сессиясида ўз тасдиғини топди. Қонун — амалда! Наманган, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларида, бир қатор районларда ҳокимлар иш бошладилар. Шундай экан, турли тарафга изғиган бизнинг учқур «автобус»ларимиз нимани исташади? Наҳотки, улар қонун устига юриш қилишни ўйлайдилар?

Ўтган кунлар асоратидан қутилиш осон эмас. Бир замонлар қонун оёқ ости эди. Биз бунга кўникиб ҳам кетган эдик. У ёки бу гуруҳларнинг қонунга қарши қўзғалиб туришлари кимларгадир қўл келарди. «Коммунистик жамият» аслида халқ елкаси устига қурилган ва уни алоҳида имтиёзли бир гуруҳ коммунистлар бошқаришарди. Бу гуруҳ жамиятнинг асосий табақаси устидан неча ўн йиллар ўз ҳукмини оғишмай ўтказиб келаверди. Авлодлар ўзгарди. Лекин коммунистлар салтанатининг моҳият-эътибори ўзгармай келаверди. Истаганни мукофотлар, истаганни жазолар эди. Олий судни партия идораси тайинлагач, нимасини айтасиз! Шундай бўлгач, Олий суд оллоҳдан қўрқсинми ёки партия бюросиданми?

Мустақил Ўзбекистон жамият тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди: ҳокимият қонун қўлига ўтди! Ана шундай шароитда «автобус ҳокимияти» кулгули туюлади. Халқ ўтмишдаги қичқириқлардан юз ўгирди: на ишчи-деҳқон давлати, на «ҳокимият — Советларга!» деган шиорлар ўзини оқлади. Биз буни ўз бошимизда синаб кўрдик.

Ўзбекистон тарихда биринчи марта ўз ҳокимиятини қонун қўлига топширди ва бу рост бўлсин! Ана шу қонун асосида республика тарихда илк бор умумхалқ сайлови асосида ўз Президентини танлаб олди. Энди у ўз ҳокимларини танлаб олмоқда.

Бироқ, қонунлар камолоти, сайловлар ва ҳокимлик тизимлари мукаммаллиги хусусида даъвоимиз йўқ. Улар такомиллашади. Шундай бўлиши шарт. Энг муҳими, биз қонун асосида сайлаб, қонун асосида яшашга ўтдик! Бизнинг бугунги ҳокимларимиз ҳам халқ сайлаб қўйган депутатлар олдида, умумхалқ сайлаган Президент олдида жавоб беради! Демак, ҳокимнинг ҳар бир қадами халқ назорати остида бўлади. Ҳоким у ёки бу табақанинг олқиши учунгина эмас, фуқаронинг ялпи манфаати учун курашади. Бу эса уни халқ сайлаб қўйган депутатлар билан қўлни-қўлга бериб ишлашга, бир жон, бир тан бўлишга ундайди. Хўш, бунинг нимаси ёқмайди? Энг муҳими, кимга ёқмайди? Ҳуқуқий давлатни хуш кўрмаганлар ким? Узоқ йиллар халқ манфаатига тескари от суриб келганларга табиийки, бу ёқмайди. Ёқтирмаганлари майли, лекин тинч ётолмайдилар. Тарки одат — амри маҳол-да. Ётиб қолгунча отиб қол: «автобус»лар ҳайё-ҳуйт деб йўлга чиқади!...

Ҳуқуқий давлат арафасида у ёки бу маҳкамалар остонасида ана шундай «автобус»ларга дуч келганда ажабланасан киши. Лекин улар ҳам замона нафасидан ортда қоладиган анойилар эмас, ўзларини «аризачи»лар билишмайди, «адолатпарварлар», «вакиллар», «халқ элчилари» деб аташади ва шунга ишонтирмоқчи бўлишади. Хизмат юзасидан улар билан учрашганда ўйга толаман, уларни тушунгим келади... Тўғри, улар ичида сиёсий маддоҳликни касб қилиб олиб, бу йўлдан осонликча қайтмайдиганлари ҳам бор. Бироқ уларнинг аксарият қисми, «автобус» сафарининг моҳиятини чуқур англаб етмаган, кимнингдир «илтимосини» рад эта олмаган оқ кўнгил кишилардир. Энг муҳими, ориятли кишилардир! Бундай одамларни тинглаш, юрагини бўшатишига имкон бериш керак. Ўз навбатида ҳуқуқий давлат шартларини уларга эринмай, ётиғи билан баён қилмоқ зарур. Мен уларни, ҳатто маддоҳларни ҳам қоралаш фикридан йироқман. Уларни айблашга тилим бормайди! «Вакиллар»ни давр юзага келтирган ижтимоий табақа сифатида тушунгим, ҳис қилгим келади. Ахир, ўтган ўн йиллик қонунсиз турмуш тарзи эмасми буларнинг барчасига сабаб? Қонунлар фалаж бўлган даврудавронни қўмсаган кимсалар эмасми, уларни шу йўлга бошлаган? Трамвай пули чақиб турган ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўнлаб одамнинг уч-тўрт кунлаб сарф-харажатини таъминлаган, авобусларни улар ихтиёрига бериб қўйган «ҳотамтой» нимани қўмсаётир? Ҳа-ҳа, бечора «вакиллар» ортида бели бақувват салтанат турганлигини кўрмаслик нодонлик бўларди! Автобусни халқ хизматидаги ўз йўлидан оздириб, пойтахтдаги мавҳум изга ғилдиратган ҳам, ночор мўйсафидни ўз иймонига қарши чулдиратган ҳам ўша салтанат эмасми? Ўша «автобус»га тушганларга менинг раҳмим келади холос! Аравасига мингач, қўшиғини ҳам айтади-да.

Шу сабабли менинг «автобус»га на таъна тошим бор, на надоматим. Сояга тош отишни истамайман. Лекин автобус ортидаги салтанат кишисига айтар сўзим бор: чиранишни бас қилинг! Сиз қўмсаган салтанатнинг умри битди! Халқимиз қонун салтанати йўлини танлади! Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий давлат йўлидан боради! Жаҳон буни тан олди! Халқимиз ана шу йўлдан боради! Ҳуқуқий давлат йўлига «автобус»ларингизни кўндаланг қўйишга уринманг, овора бўласиз! Йўқолсин ҳар қандай тўсиқлар, катта-кичик мафиялар! Ассалом, Ватан уфқидаги ҳуқуқий давлат! Марҳабо, қонун — аждодларимиз орзиқиб кутган, адолат қуёши!

• *Ҳаракатда—баракат*

ТАДБИРКОРЛАР

Амударё суви Қарши чўлида илк бор оқизилгандан буён қарийб 21 йил вақт ўтди. Тарихан бу унча узоқ муддат эмас. Аммо Қашқадарё вилоятининг чўл районларида шу об-ҳаёт туфайли кенг пахтазорлар-у боғлар, ям-яшил экинзорлар вужудга келди. Шаҳар кўринишидаги қишлоқлар жамол кўрсатди.

Жаҳон тажрибасида биринчи марта Амударё суви йирик насос станциялари орқали 150 метр баландликка кўтариб бериляпти. Бундай гидротехника иншоотларини Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси мутахассислари муттасил ишлатиб келмоқда.

Бошқармага узоқ йиллардан бери техника фанлари номзоди, Халқ демократик партияси Нишон район кенгаши аъзоси Р. Очилов раҳбарлик қилмоқда. У яхши мутахассис. Одамларга меҳрибонлиги, жамоа учун жонкуярлиги туфайли вилоят Кенгаши депутатлигига ҳам сайланган. Тадбиркорлиги учун республикада хизмат кўрсатган ирригатор деган юксак унвонга сазовор бўлди. Гидро иншоотчилар жамоаси вилоятда сув таъминотини яхшилаш учун ғайрат кўрсатишяпти.

Бугунги кунда магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси участкаларида 20 дан зиёд миллат ва элатга мансуб 800 га яқин киши меҳнат қилаётир. Уларнинг 200 дан ортиғи бевосита муҳандис-техник ходимлар бўлиб, бошқарма маъмурияти уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш йўлида зарур тадбирлар кўрмоқда. Гидроиншоотчилар учун бошқарма ҳузурида профилакторий хизмат кўрсатиб турибди.

Жамоани ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ёрдамчи хўжалик 1989 йилда ташкил этилган эди. Кейинчалик у ишлаб чиқариш-деҳқончилик фирмасига айлантирилди. Фирмага Халқ демократик партияси аъзоси Т. Оқназаров раҳбарлик қилаётир. Ёрдамчи хўжаликнинг кичик тармоқлари ҳам барпо этилмоқда. Хўжалик ҳузурида «Оқ чашма» кичик хўжалиги маҳсулот етиштира бошлади. У хўжалик ишчи, муҳандис-техник ходимларини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Етиштирилаётган гўшт ва сут давлат нархидан анча арзон; 1 килограмм гўшт 15 сўм ва бир литр сут 60 тийиндан сотиляпти.

Умуман, ёрдамчи хўжалик аъзолари 700 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Унинг 300 гектарида ғалла етиштиряпти. Яйловда 1800 бош қўй-эчки, 107 бош сигир ва бошқа чорва моллари боқилмоқда. Нутра етиштириш ҳам йўлга қўйиляпти.

— Қўриқ хўжаликларда сув таъминотини яхшилаш биринчи галдаги вазифамиздир, — дейди бошқарма бошлиғи Р. Очилов. — Бу мураккаб ишнинг уддасидан чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Отам ҳам мироблик қилган. Отамнинг отаси ҳам мироб бўлганлар. Биз, гидроиншоотчилар учун мироблик — фахрли касб.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз шаҳрида ишга туширилган нон заводи дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Ҳозир кунига 32,5 тонна нон ва 2 тоннадан зиёд кондитер маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, янги корхона вилоят маркази аҳолисини нон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга.

Суратларда: 1. Нон-булка цехи устаси Ғайрат Саматов ва ишлаб чиқариш бўлими мудири Нурмуҳаммад Шодиқулов 2. Ширниликлар цехи бошлиғи Жўра Раҳимқулов ва ишчи Шоира Бобомуродова.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

ВАЛЮТАНИ КЎПАЙТИРИШ МАҚСАДИДА

● Самарқанд чинни заводи маъмуриятининг ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, янги цилиб чиқариш участкасига асос солди. Бу ерда хорижда жуда харидоргир бўлган нафис чинни буюмлар тайёрланадиган махсус цех очилди. Цех маҳсулоти фақат валютага сотилади.

Корхонада тайёрланаётган жозибадор пиёлалар, чойнак, лаган, ликопча ва вазаларнинг ҳозир ҳам бозори чақкон. Уларни айниқса Саудия Арабистони, Аргентина, Америка, Ҳиндистон ҳамда Афғонистонда бажонидил сотиб олишяпти. Лекин вазият эндиликда республикамизнинг ўзида ҳам бундай буюмларни чет эл валютасига сотиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда янги цехнинг келажагидан умид катта.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

● Тошлоқ районидаги Ленин номли колхозда нутрия фермаси ташкил этилиши хўжаликка 25 минг сўм қўшимча фойда кўриш имконини берди.

Хўжалик аъзоси Раҳматжон Йўлдошев колхоз бошқарувига бу ер шароитида янгилик бўлган нутрия фермаси очиш нияти борлигини маълум қилганида уни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашди. Фермер учун ярим гектар ер ажратиб берилди. Р. Йўлдошев оиласи билан боқиладиган жониворлар учун озуқа жамғарди. Шундан кейингина қўшни шаҳарлардан юзта нутрия сотиб олди. Ферма бошлиғи ёрдамчилари Хошим Юсупов ва Ўктамжон Йўлдошевлар билан астойдил ишга киришиб, жониворлар сонини 500 тага етказди.

Фермер дастлаб парваришдаги жониворларни гоҳ тирик ҳолда, гоҳ терисини сотди. Аммо бундан кўра уларнинг мўйнасидан телпак тикиш даромадлироқ эканлигини билгач, шу касбни ўрганишга киришди. Шериклари ҳам шундай қилишди. Ҳозирги нарх-наво кўтарилган пайтда ҳар бир телпак 500 сўмдан кам бўлмаяпти. Мўйна етиштиришдан иккала томон манфаатдор бўлмоқда.

УЧ ДАҚИҚА КИФОЯ

● Фарғона шаҳридаги тиш касалликларини даволаш шифохонасига келган беморларнинг тишларини тозалаб, биринчи хизмат кўрсатиш учун атиги уч минут кифоя қилмоқда.

Бунга Японияда «Виста 2000 се» тиббиёт ускуналарини олиб келиниши туфайли эришилди. Бош врач Алла Виноградова бир қанча вақт Японияда бўлиб, «Ниссе иваш корпорейшн» фирмасидан янги ускунада ишлашни ўрганиб қайтди.

Ускуна кўп жойни эгалламайди. Барча ишлар автоматда бажарилади. Ундан унумли фойдаланиш туфайли аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи махсус бўлим очиш мумкин бўлади.

(ЎзА)

• СПОРТ

СОВРИНЛАР КУПАЙМОҚДА

● **ФРАНЦИЯНИНГ Альбервиль шаҳрида давом этаётган қишки олимпиада мусобақалари қизғин паллага кирди.**

Турли мамлакатларнинг спорт жамоалари мавқеларини мустаҳкамлаб, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилишмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси аъзолари ҳам медалларни кўпайтиришга интилмоқдалар. Спортнинг биатлон тури бўйича баҳсларда иштирок этган чанғичи аёлларимиз бронза медалли бўлишди. Фигурали учиш бўйича янгича дастур бўйича чиқишларда ўзини кўрсатган В. Петренко эса олтин медалли бўлди. Шайбали хоккей бўйича гуруҳларда саралаш учрашувлари давом этмоқда. «А» гуруҳида Швеция ва АҚШ хоккейчилари олтитадан очко билан олдинда боришмоқда. «Б» гуруҳида эса Канада жамоаси 8 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Чехославакия ва МДҲ хоккейчиларида олтитадан очко бор.

ЯНА БИР ҒАЛАБА

● **ТОШКЕНТЛИК моҳир югурувчи Марина Шмонина шу йил ёзда ўтказиладиган олимпиада ўйинларида иштирок этишга пухта ҳозирлик кўрмоқда.**

У яқинда Москвада ўтказилган МДҲ чемпионатида ғалаба қозониб, мухлислар эътиборини қозонган эди. Куни кеча эса Будапештда якунланган халқаро мусобақада 400 метрли масофани 51,86 секундда югуриб ўтиб, маррада биринчи бўлди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

● **ТАМБОВ шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионати ўтказилмоқда.** Чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун астойдил баҳслашмоқдалар. Мусобақада иштирок этаётган тошкентлик В. Белосаровнинг омади келиб турибди. Чунки у рақиби мусобақага келмагани учун жангсиз бир йўла ярим финалга чиқди. Боксчимиз ҳал қилувчи баҳс йўлида астойдил курашса, совринли ўринга даъвогарлик қилиши мумкин бўлади.

«ОЛМАОТА»ГА МАРҲАМАТ!

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида, собиқ бинокорлик материаллари дўкони биносида Қозоғистоннинг «Олмаота» деб аталган фирма дўкони очилди. У Олмаотадаги 100 — универсамнинг бўлимидир.

Дўконнинг очилиш маросимида бу ерда кўплаб харидорлар тўпланди. Чинни, сополдан тайёрланган буюмлар билан савдо қилувчи бўлимларда одамлар шу заҳотиёқ навбатда тура бошладилар. 4 сўм 50 тийин турадиган пиёлалар, чойнаклар, кўзалар, турли совғасалом буюмларга талаб катта бўлмоқда. Озиқ-овқат бўлимида эса савдо унча қизимаяпти: Афтидан ҳар бир килограмми 29 сўм турадиган товуқ тошкентликларга қимматроқ туюлаётганга ўхшайди. Дўконда чоғроқ, шинам қаҳвахона бор, бу ерда болаларни ширинликлар билан сийлаш, салқин ичимликлар ичиш мумкин.

— Дўконимизда сопол буюмлардан ташқари миллий кийимларни ҳам танлаб олиш мумкин, — дейди директор Т. М. Тўхтабоева. — Қозоғистон Савдо вазирлиги дўконимизни моллар билан таъминлайди. Моллар ва маҳсулотларга худди Тошкентда амал қилаётганидек нархлар белгиланди. Ўйлайманки, эҳтиёжга асосланиб, пештахталаримизни тошкентликларга керакли моллар билан тўлдирамиз. Дастлабки кунлардаги савдога қараганда, бизда харидорлар етарли бўлади. Молларимиз ҳам, хизматимиз ҳам уларга ёқиши учун ҳаракат қиламиз.

Пойтахтимиздаги марказий универсал дўконнинг «Тошкент» бўлими Қозоғистон пойтахтида очилди. Икки томонлама алоқалар амалда шундай рўёбга чиқариляпти, икки мустақил республика ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома аниқ-равшан амалга ошириляпти.

(ЎзА мухбири).

● **Суратларни Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган.**

Республикамизда эркин нархларга ўтилганлиги муносабати билан ўз-ўзидан аҳолига хизмат кўрсатишга тўланадиган тўловлар белгиланган миқдори ҳам ўзгарди. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокими ҳузуридаги уй-жой бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. ИСКАНДАРОВга мурожаат қилди.

Долзарб мавзу

НАРХЛАР ЭРКИН, УЙ-ЖОЙ ҲАҚИ-ЧИ?

— Алишер Маратович, ҳаётимизда ҳар куни бир янгилик юз бераяпти. Албатта республикамизда эркин нархларга ўтилганлиги туфайли ёқилғи, электроэнергия, ичимлик сув, иссиқ сув, газ нархи ошди. Бу уй-жойдан фойдаланиш учун фуқаролар тўлайдиган тўловлар ошишига таъсир этиши турган гап. Бу масала кўпчиликни қизиқтиряпти.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой, коммунал хўжалиги вазирлигининг 1988 йил 22 июндаги 215 рақамли Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларидаги уй-жой бинолари ва коммунал хизмат учун тўловлар, шартлари ва тартиби тўғрисидаги кўрсатмасига мувофиқ амалдаги таърифлар бўйича аҳолидан олинадиган тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилиняпти. Бугунги кунга келиб ,квартира ҳақи 1,5 баравар, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, канализация, водопровод, хизмати икки баробар, алоқа хизмати 3,6 марта ортди. Бир киловатт электр-энергия нархи 8 тийинга чиқди.

— Уй-жой ҳақи, коммунал хизмат учун ҳақ тўлашда қайси гуруҳ фуқароларига имтиёзлар берилган?

— 1990 йил 1 июлдан бошлаб Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари уй-жой ҳақидан озод қилинганлар. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига шахсий мулк сифатида берилган уй-жойларни сақлаш, ундан фойдаланиш, таъмирлаш ишларига кетадиган ҳаражатлар эса уй эгасининг маблағи ҳисобига қопланади. Бунда уй-жойдан фойдаланиш ва таъмирлашнинг ягона қоидаларига риоя этилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград қамалини бошидан кечирган, халқ депутатлари Ленинград шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг «Қамал қилинган Ленинград фуқаросига» кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳам ишчи ва хизматчиларга белгиланган миқдордаги тўловларни тўлайдилар. Лекин белгиланган нормадагидан ортиқ уй-жой майдони учун 1,5 баробар миқдорида ҳақ тўлайдилар. Уларга иссиқлик, иссиқ сув, водопровод, канализация, газ, электр энергия учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қилинади. Бундай имтиёзга эса нафақа белгилайдиган комиссиянинг қарорига асосан эга бўлиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида меҳнат фронтида иштирок этганларга ҳам маълум имтиёзлар бор. Улар коммунал хизмат учун 30 фоиз кам ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Чернобилдаги атом электростанциясидаги фалокат оқибатида нурланиш касаллиги билан оғриган ва бундай касалликни бошидан кечирган фуқаролар, шунингдек, ногиронликнинг келиб чиқиш сабаби Чернобиль фалокати билан боғлиқ эканлиги аниқланган шахсларга, фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган ва бу ишга жалб этилганларга ҳам имтиёзлар берилади. Бу шахслар ва у билан яшовчи унинг оила аъзолари, шунингдек, Чернобиль атом электр станцияси фалокати натижасида боқувчисини йўқотганлик учун нафақа олувчилар, ишчи ва хизматчиларга белгиланган миқдордагидан эллик фоиз кам миқдорда уй-жой ҳақи тўлайдилар. Шунингдек, улар иссиқлик, водопровод, газ ва электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳам 50 фоиз миқдорида кам ҳақ тўлайдилар. Марказий иситиш системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга эса белгиланган миқдордаги ёқилғини сотиб олишда унинг нархи 50 фоиз миқдорида чегириб ташланади.

Шунингдек, шу йил 1 январдан бошлаб барча мактабгача, мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари ва ўқитувчиларга, шунингдек, ишлаб чиқариш таълими ўқитувчилари, мастерларига ҳамда барча турдаги ҳунартехника билим юртлари тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар берилди. Улар уй-жой ва коммунал хизмат учун белгиланганидан 50 фоиз кам ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўлишди.

Уй-жойларга шахсий мулк сифатида эгалик қилувчи ўқитувчилар уй-жой ертўлалари, томи, шунингдек, муҳандислик тармоқларига хизмат кўрсатувчи давлат уй-жойидан фойдаланиш ташкилотлари, бирлашма ва корхоналари билан шартномалар тузишлари керак. Улар уй хўжалигини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун кетадиган харажатларга белгиланган тартибда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Суҳбатдош: М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

● УРИНИБ КЎРИНГ

ОВОЗНИ СОЗЛАШ

Маълумки, жамоат арбоблари, муаллимлар ва маърузачилар ҳамиша овозларини мулойим, нафис, айни пайтда таъсирли ва ифодали бўлишини истайдилар. Зеро, бунга ҳамиша ҳам эришиб бўлмайди. Турли таомларни истеъмол қилиш, ичиш, чекиш, қиш кунлари ҳавонинг кескин ўзгариб туриши салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, овознинг барқарорлигини сақлашнинг баъзи йўллари ҳақида тавсиялар бериш мумкин. Айтайлик нафас олишни тўғри йўлга қўйиш билан анчагина наф олиш мумкин. Жумладан, бурунннинг ўнг ва чап тарафини галма-гал беркиттан ҳолда беш-олти марта чуқур нафас олиб 8-10 марта ҳаво йўлларини бекитмоқчи бўлгандай, ҳаракатлар қилиш. Ёки бўлмаса, нафас чиқараётганда БМММ деган товуш чиқариб, бурун қанотларига бармоқлар билан оҳиста урриб туриш ҳам яхши бўлади.

Қорин мушакларини ишга солган ҳолда туриб-ўтириб, тўрт-олти марта қисқа ва чуқур нафас чиқаришлар ёрдам беради.

А-Э-О оҳангида ҳудди ҳомуза тортаётгандай ўн марта ҳаракат қилиш. П-Б ҳарфларини куч билан такрорлаш ё бўлмаса Т-Д ҳамда К-Г ҳарфларини тез такрорлаш ҳам сўзлаганда ҳаракатга келувчи мушакларни майинлаштиришга имкон берар экан.

• Муштарий минбари

ВИЖДОНГА ТЕСКАРИ ЮРМАНГЛАР!

Соф виждон — бу бир умрлик тантана.

ХАЛҚ МАҚОЛИ.

Биз виждон амри билан иш тутганимиздагина инсон деган номга доғ туширгмаган бўламиз. Орамизда виждонли кишилар оз эмас. Кунларнинг бирида автобусда уйимга октаётган эдим. Бекатда олдинги эшикдан чиққан бир отахон ёнимдаги ўриндиққа ўтирди-да, кўзларини чирт юмиб олди. Автобус ўрнидан қўзғолиб, тезликни ошириб кетяпти ҳамки, у ҳамон кўзларини очмасди. Учинчи бекатни босиб ўтганимизда ҳам шу ҳолат давом этарди. Ҳайрон бўлиб, аста энгашиб сўрадим:

— Отахон, узр, айбга буюрмайсиз, кўзингиз оғрийди шекилли, юмиб келяпсиз?

— Ўғлим, биз мусулмон бандалармиз, бегона аёлларга кўзимиз тушса... гуноҳкор бўлиб қолишимиз мумкин.

Мен шу пайт гўё Ҳизр бувага учрагандек бўлдим, ларзага тушдим.

Ана шу воқеадан сўнг бир неча кун ўтгач, хизмат юзасидан бир идорага борганимда, тасодифан шу ерда хизмат қиладиган киши ва аёлнинг ўзаро ножўя хатти-ҳаракатлар қилишаётгани устидан чиқиб қолдим. Аъзойи баданимни титроқ босди. Уйда бирининг рафиқаси, иккинчисининг эса умр йўлдоши бор-ку!

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу каби хунук воқеалар ҳаётда учраб турибди.

1991 йилнинг биринчи октябрида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси Юсуфжон Ибрагимов раислигида бир жиноят ишини кўриб чиқди... Воқеанинг қисқача тафсилоти бундай. Камбағал бир йигит (кишилар номини атайин келтирмаймиз) тўй харажатларини зўр-базўр топиб, ширин умидлар билан уйланади. Афсуски, келинчак қизлик иффатини аллақачон йўқотиб бўлган экан. Йигитнинг кўнгли зил кетади, афсусланади. Жавобини бериб юбора қолай деса, қайтадан уйланиш учун сарф-харажатни қаердан топади!

Йигит дамини ичига ютиб қўя қолади. Лекин келин унинг мардлигига мардонаҳик билан жавоб бермади. Бегона йигитлардан унинг номига хатлар кела бошлади. Эр уни инсофга чақирди, ақлу ҳушини йиғиштириб олиши кераклигини қайта-қайта тушунтирди. Келин «қуюқ ваъдалар» беришдан чарчамади. 1989 йилда ўғил, 1990 йилда эса қиз кўришди. Шунда ҳам эр-хотин ўртасидаги совуқчилик сусаймади. Аёл тез-тез ота-онасининг уйига кетиб қоладиган бўлди. Бу аҳвол оиладаги зиддиятни янада кучайтирди.

Кунларнинг бирида йигит маст ҳолда қайнотасининг уйига боради. Хотини унга ўз одатига кўра ёмон қиликлар қилади. Хуллас орада жанжал чиқади. Йигит аввал хотинини, кейин қайнисини пичоқлаб ташлайди. Ҳар иккови касалхонада вафот этади.

Судлов ҳайъати қотил йигитни қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортди. Яъни 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Нопокликнинг охири вой бўлишини, биз, қариялар яхши биламиз. Шу боисдан ҳам ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлмасин — уларни ўз оилаларига нисбатан садоқатли бўлишга ундаймиз.

Ҳа, виждонга тескари юрманглар, азизлар!

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат фахрийси.
Тошкент шаҳри.

• Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

Бу қандай кечганини Д. Бекчонов мисолида яққол кўриш мумкин. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган бу фуқарони кетма-кет сўроқ-ҳа чақирардилар, 500 минг сўм пул беришни талаб қилардилар. У ҳеч қачон жиноий пулларга эга бўлмагани ва сақламаганини айтиб терговчилар талабини рад этарди. Бироқ, ўзи, хотини ва фарзандларини ҳибсга олиш ҳақида айтиб қўрқитишгандан сўнг у 100 минг тўплаб терговчиларга етказиб беришга рози бўлди. Бир неча куну-тун у қариндошлари, танишларидан қарзга пул олиб, буни нотариал идорада тасдиқлатди. Кейинчалик бу ишончномаларни биз кўзимиз билан кўрдик, нотариус ходимлари ҳамда Бекчоновга қарзга пул берган шахсларни сўроқ қилдик. Қарзга олинган пулларга Бекчонов ўзининг жамғармасини қўшиб, терговчиларга 97 минг сўм пул берди. Аммо терговчилар бу пулларни бир йирик порахўрнинг илтимосига кўра Бекчонов сақлаб бергани ва жиноий пуллар сифатида расмийлаштирдилар.

Бошқа бир «гаровга олинган» Бекимбетовни ўн бир кеча-ю кундуз ҳибсда сақлаб бир неча юз минг сўм пул беришга «кўндиришди». Сўнгра озодликка чиқаришар экан, мабодо ваъдани бажармаса, уни ва оила аъзоларини қамашлари ҳақида огоҳлантиришди. Бекимбетов 50 минг сўм тўплаб синглиси билан бирга келиб, прокуратурага беришди. Терговчи шу заҳотиёқ гувоҳларни чақириб пулни қабул қилиб олди, лекин бу пуллар Бекимбетов уйидаги кичкина ёрдамчи бинолардан топиб мусодара қилингани ҳақида сохта баённома тузди.

Биз мана шу воқеани текширганимизда ўша ҳозир бўлган гувоҳлар воқеа асли қандай бўлганини дарҳол бизга айтиб беришди. Уйда ҳеч қандай мусодара бўлган эмас, пулни ўзлари прокуратурага келтиришган, дейишди. Биз шунинг ўзи билан қаноатланмай, Бекимбетовнинг уйига бордик. Қарасак, унинг уйида ҳеч қандай қўшимча ёрдамчи бино бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ экан. Терговчини Бекимбетов билан юзлаштирганимизда ўзининг сохтакорлигини тан олди.

МАЙДА-ЧУЙДАЛАРДАН ҲАМ ҲАЗАР ҚИЛМАЙ.

Гдляннинг энг нозик жиҳатларидан бири — бу далилий ашёлардир. Биз уларни текшириб чиқишга яқиндан ёндошдик. Аммо, Бош прокурор Н. Трубиннинг ишни бекор қилиш ҳақидаги қарори йўқолган кўп нарсалар, қимматбаҳо ашёларнинг алмаштириб қўйиш сингари мисолларни охиригача қидиришга халақит берди. Лекин биз вақт етганча улгуриб қилган ишларимиз Гдлян гуруҳида ҳукмрон бўлган вазият ва далилий ашёларнинг талон-торож қилинганлиги учун шароит яратилгани ҳақида айтиш имконини беради.

Эсимда, 1989 йилнинг охирроғида СССР прокуратурасидаги умумий партия йиғилишида мен минбардан туриб, Гдлян ҳали жуда кўп нарсани қайтариб жойига қўйиши кераклиги ҳақида айтган эдим. Ўшанда у сукут сақлади. Ўзига хос аниқлик ва жадаллик билан йўл тутадиган одам на раддия беролди, на қарши гап айта олди. Агар у мен айтганни рад этса, унга аниқ мисолларни келтириб жавоб берардим.

Гдлян гуруҳи ўтказган тинтув ва мусодара ҳақидаги баённомаларда бир-бирига қовушмаган ёзувлар учрайди. Мисол учун: «60 та ва ундан кўпроқ тилла танга мусодара қилинди», «Дипломат ичида лиқ тўла пул солинган эди». Ўзи қанча танга ёки пул бўлган? Буни ҳеч ким билмайди. Тинтувлардан бирида 200 граммли шиша банка ичида тилла тангалар мусодара қилинган. Ёзганда тангаларда муҳр, бургут тасвири борлигини ёзишгану, тангаларни санашга ҳеч ким қўл урмаган. Тинтув соат 18 дан 18.30 гача ўтказишган. Ҳали кун ёруғ эди.

Яна бир нарса ҳақида айтсам: баъзи қимматбаҳо ашёлар мусодара қилинганидан кейин умуман қараб чиқилмаган, ўралмаган ва муҳрланмаган. Яна шундай фактлар ҳам аниқланди. Тинтув чоғида пуллар, заргарлик буюмлари уларни ўрагандан кейин битта муҳр билан муҳрлашган, кейин уни очиб кўздан кечириш пайти қарашса ўрам устида мутлақо бошқа муҳр бўлган.

Тафтиш чоғида 1984 йил мартида Иззатов иши бўйича олинган қимматбаҳо ашёлар умумий миқдоридан тилла буюмлар (24 дона, 5274 сўмлик), ўн беш дона қўл соати (1049 сўмлик) ва битта гилам топилмаган. Бу ишни шахсан Гдляннинг ўзи судга юборган эди.

Н. Мелеев иши бўйича 1984 йилда мусодара қилинган «Шарп» магнитофони, «Санио» фотоаппарати ва автомобилга ўрнатиладиган «Шарп» магнитофони (5200 сўмлик) йўқолган.

1983 йил 17 октябрида айбланувчи Раҳмоновдан шахсий тинтув чоғида 92 сўм 50 тийин пул, тилла узук (400 сўмлик) ва «Ориент» соати (245 сўмлик) олиб қўйилган. Ана шу нарсаларнинг кейинги тақдири ёки қаердалиги ҳақида маълумотлар йўқ. Ишни судга Гдлян юборган. Раҳмонов эса ҳозиргача ўзининг нарсаларини қайтиб беришни сўраб шикоятлар ёзмоқда.

Етишмаётган нарсаларнинг рўйхати жуда узун. Очиқ қолган саволлар жуда кўп.

Мана шундай материаллар ва фактлар бўла туриб, Трубин ишни бекор қилгани, номаъқулчилик ва жиноятни бекитиб қолганига ҳайрон қоласан. Шундай ёлғон қадам қўйиш учун қанчалик риёкор бўлиш керак одам.

А. Рўзметовдан мусодара қилинган нарсаларнинг ўғирлангани ҳақида иш материаллари катта қизиқиш уйғотади. На Трубин, на унинг яқин ёрдамчилари бу ишни умуман ўқишмаган. Терговни тўхтатишга жуда-жуда шошилишган.

Арслон Рўзметов Қарши авиабирлашмасининг командири эди. Уни 1985 йил 21 октябрда ҳибсга олишган. У турмада 3 йил 9 ой 21 кун ўтирди, кейин уни тўла оқлашди. Ҳибсга олиш пайтида унинг уйидан эндигина 8 минг километр юрган ВАЗ—2107 маркали шахсий автомашинасини олиб кетишган эди. Машинада икки колонкали японча радиоприёмник билан «Шарп» магнитофони бор эди. Машина тўла жиҳозланган бўлиб, орқа юкхонасида янгигина эҳтиёт ғилдираги бор бўлган. Шу ва бошқа тўртта ғилдираги ҳали янги, Финляндияда ишлаб чиқарилган эди. Ўриндиқларга қора рангли японча вилюр ғилоф кийгизилган эди. Орқа ойнасига хорижда чиқарилган кунтўсқич қўйилганди. Автомашина ичида японча калькулятор, қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнак, учта видеокассета ва 20 та магнитофон кассетаси бўлган.

Ҳибсга олиш куни машинани терговчилардан В. Регеда ва Р. Туктаров кўздан кечиришган ва шу ҳақда баённома тузишган. Юқорида саналган нарсаларнинг бўлганлигини тасдиқлайдилар.

(Давоми бор).

«Ўзбекистон овозининг навбатдаги сони 20 февралда чиқади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Узбекистон Республикаси Автомобиль транспорти Вазирлигига қарашли

«УЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДА 1-АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

автомобилларнинг асосий қисмларини созлаш ва таъмирлаш учун жумҳуриятимизнинг барча вилоят ва шаҳарларидан ГАЗ—52, ГАЗ—53, ЗИЛ—130, УРАЛ—375 автомобилларини чекланмаган миқдорда

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шунингдек, ностандарт ва автосарой-техника жиҳозларини пул ўтказиш йўли билан корхоналарга

СОТАДИ

«Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририятига малакали рассом-безакчи

КЕРАК

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 3-қават 343-хонага мурожаат қилинсин, Телефонлар. 33-79-14, 32-53-05.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон «Ойнаи жаҳони» жамоаси адабий-мусиқий кўрсатувлар ижодий бирлашмасининг бўлим мудири С. Абдувоҳидовга отаси

Абдувоҳид ИСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 35.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—20.4 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.